

## **ХОРИЖЙ ТАЖРИБА АСОСИДА ПЕНСИЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Мўминов Ихтиёр Намозович**

**Акбаров Бекмурод**

**Хамидов Достон Хамид ўғли**


*Сирдарё вилоят Инвестициялар саноат ва савдо бошқармаси*

Жаҳон миқёсида пенсия тизимини ислоҳ этишнинг илғор тажрибалари кўрсатишича, пенсия харажатларининг давлат томонидан молиялаштирилиши етарли самара бермаслиги аён бўлмоқда. Ривожланган мамлакатлар пенсия тизими таркиби уч босқичли пенсия дастурлари, яъни, минимал пенсияни кафолатлайдиган давлат пенсия тизими, профессионал пенсия дастури, фуқароларнинг ихтиёрий тарзда нодавлат пенсия суғурталарини амалга ошириш тизимларидан иборат. Пенсия тизимидағи таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини белгилашда нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этиш имкониятларини кенгайтириш миллий иқтисодиётнинг ички инвестицион салоҳиятини оширишга замин яратади.

“Буюк Британия, Франция ва Германияда ўртача умр кўриш даражаси ошиши натижасида истиқболда пенсия таъминоти харажатларини ЯИМга нисбатан Францияда 0,5 фоизга, Германияда 2,8 фоизга ва Буюк Британияда 1,5 фоизга оширилиши башорат қилинмоқда. Европа Иттифоқида нодавлат пенсия таъминоти 1,5 фоиздан 4,5 фоизгача ошириш натижасида жамғарилган пенсиялар ҳажмини 12 фоиздан 29 фоизга кўтариш ва мос равишда давлат пенсия тўловлари ҳажми камайтирилиши кўзда тутилган”.

“Буюк Британия, Франция ва Германияда ўртача умр кўриш даражаси ошиши натижасида истиқболда пенсия таъминоти харажатларини ЯИМга нисбатан Францияда 0,5 фоизга,

Германияда 2,8 фоизга ва Буюк Британияда 1,5 фоизга оширилиши башорат қилинмоқда. Европа Иттифоқида нодавлат пенсия таъминоти 1,5 фоиздан 4,5 фоизгача ошириш натижасида жамғарилган пенсиялар ҳажмини 12 фоиздан 29 фоизга кўтариш ва мос равишда давлат пенсия тўловлари ҳажми камайтирилиши кўзда тутилган”. Бундай шароитда пенсия тизимидағи таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини белгилашнинг аҳамияти ортиб бормоқда.




## Пенсия тизимининг турлари

### Пенсия таъминоти тизими



	Тўловлар ва бадалларни ҳисоблаш тартиби	Қаерда ва қандай амал қиласи.
Ижтимоий нафақалар (0-даражা)	Тўловлар давлат томонидан белгиланади ва молиялаштирилди	80 дан ортиқ мамлакатларда амал қиласи.
Бирдамлик тизими (1-даражा)	Қайд этилган тўловлар	Аксарият мамлакатларда мажбурий давлат сүгурта тизими мавжуд бўлиб, доимо давлат тасарруфида бўлади.
Жамғарib бориладиган тизим (2 ва 3 даражалар)	Қайд этилган тўловлар	Кўпинча ихтиёрий (яъни 3 даража) Австралия, Нидерландия, Чили ва қатор Шарқий Европа мамлакатларида мажбурий (2 даража). Одатда хусусий шаклда бўлади.
	Қайд этилган бадаллар	Одатда, ихтиёрий (яъни 3 даража) ва хусусий шаклда бўлади

## АҚШ пенсия тизимининг ташкилий тузилиши



### Россия Федерацияси пенсия тизимининг ташкилий тузилиши

Россия Федерацияси пенсия тизимининг ташкилий тузилиши		
Пенсия сұғартаси	Пенсия таъминоти	Нодавлат пенсия жамғармалари
Мехнат пенсияси	Давлат пенсия таъминоти	Кўшимча пенсия таъминоти
Мехнат пенсияси турлари	Давлат пенсияси турлари	Кўшимча пенсия таъминоти турлари
Ёшга доир Бокувчини йўқотганлик бўйича Ногиронлик бўйича	-ёшга доир; -ногиронлик бўйича; - бокувчини йўқотганлик бўйича; -иш стажи бўйича; -ижтимоий пенсиялар.	-умрбод; -муддатли;
Икки қисмдан таркиб топади -сұғурта; -жамғарип бориладиган.	Бир қисмдан таркиб топади -сұғурта.	
Молиялаштириш		
Иш берувчи томонидан Россия пенсия жамғарманга тўлаб бориладиган сұғурта бадаллари ҳисобидан	Федерал бюджет маблағлари ҳисобидан	Иш берувчи ёки/ва ходимнинг ихтиёрий пенсия бадаллари ҳисобидан
Ташкилот ва сұғарталовчилар		
Россия пенсия жамғарма ёки Нодавлат пенсия жамғармалари (фақат жамғариладиган қисми учун)	Россия пенсия жамғарма	Нодавлат пенсия жамғармалари

### Нодавлат пенсия таъминоти тизимининг ташкилий


### Нодавлат пенсия таъминоти тизимининг ташкилий бўғинлари

- Нодавлат пенсия жамғармалари
- Суғурта компаниялари
- Шахсий ҳисобварақлар очадиган банклар
- Компанияларнинг пенсия жамғармалари ва бошқа ташкилотлар


### Пенсия тизимларининг таркиби (ИҲТТ услугияти)

Мамлакатлар	Биринчи даража (мажбурий, умумий, бирдамлилик-таксимот тизими)			Иккинчи даража (мажбурий, жамғариладиган тизим)	
	муҳтоҷлик бўйича пенсиялар	таянч пенсиялар	минимал пенсиялар	давлат пенсиялари	хусусий, профессионал пенсиялар
Австралия	мавжуд				ББС
Австрия				БТС	
Бельгия	мавжуд		мавжуд	БТС	
Канада	мавжуд	мавжуд		БТС	
Чили	мавжуд		мавжуд		ББС
Франция			мавжуд	БТС +балли	
Германия	мавжуд			балли	
Греция			мавжуд	БТС	
Венгрия				БТС	ББС
Исландия	мавжуд	мавжуд			ББС
Италия	мавжуд			ШЖТ	
Япония		мавжуд		БТС	
Корея Республикаси	мавжуд	мавжуд		БТС	
Мексика			мавжуд		ББС
Нидерландия		мавжуд			БТС
Норвегия			мавжуд	ШЖТ	ББС
Янги Зеландия		мавжуд			
Польша			мавжуд	ШЖТ	ББС
Швеция			мавжуд	ШЖТ	ББС
Швейцария	мавжуд		мавжуд	БТС	БТС
Туркия			мавжуд	БТС	
Буюк Британия	мавжуд	мавжуд	мавжуд	БТС	
АҚШ			мавжуд	БТС	
Россия		мавжуд		ШЖТ	ББС

### Европа мамлакатларининг аҳоли ёшининг ўзгариш динамикаси (фоизда)



### Дунё аҳолиси сонининг ўзгариши динамикаси, ёш гурухлари бўйича



### Ўзбекистоннинг демографик кўрсаткичлари ва прогнози (2010-2050)

Кўрсаткичлар	2005	2010	2015	2020	2025	2030	2035	2040	2045	2050
(млн.киши)	26,3	29,1	30,2	33,9	34,3	36,7	36,9	37,9	38,7	40,9

Түғилиш коэффициенти (1 аёлга түғри келадиган түғилиш сони)	2,3	2,3	2,2	2,1	2,0	1,9	1,9	1,8	1,8	1,8
Умр давомийлиги (умумий)	71,8	72,8	68,5	69,0	69,6	70,1	70,7	71,2	71,7	72,2
Умр давомийлиги (эркаклар)	69,6	70,5	65,2	65,7	66,1	66,6	67,1	67,6	68,0	68,5
Умр давомийлиги (аёллар)	74,1	75,1	71,9	72,6	73,2	73,8	74,4	75,0	75,5	76,1
65 ва ундан катта ёшдаги аҳоли сони (%да)	7,04	7,6	4,4	5,1	6,6	8,2	9,4	10,5	11,7	13,4

## Шахсий жамғарыб бориладиган пенсия ҳисобваракларида маблағларни шакллантириш манбалари

жамғарыб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари

жамғарыб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари

шахсий ЖБП ҳисобваракла рида маблағларига ҳисоблаб чикарилган фоизлар

қонун хужжатлариг а зид бўлмаган бошқа маблағлар

### **ХУЛОСА**

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида хорижий тажрибани чукур ўрганган ҳолда миллий пенсия пенсия тизимини янада такомиллаштириш борасида асосий йўналишларни аниқлаш имконини яратди.

1. Пенсия таъминоти тизимининг барқарорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири сифатида аҳоли ёши таркибидаги ўзгариши натижасида пенсия ёшидаги аҳолининг меҳнат ёшидаги аҳолига боғлиқлик коэффициенти кўрсаткичи пасайиб кетаётганлиги ҳолатини келтиришимиз мумкин. Лекин демографик ўсишнинг кейинги босқичидаги ривожланган давлатларда катта ёшдаги аҳолининг ўрта ёшдаги аҳолига нисбати анча ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш пенсия миқдорларининг муносиб тарзда ошишига, пенсия ва нафақа олувчилар таркибида камбағалликни қисқартиришга, аҳолининг пенсия жамғармасига бўлган ишончининг ошишига ҳамда суғурта бадали тўловчилар қамровини янада кенгайтиришга муайян даражада хизмат қиласи.

2. Хорижий давлатлар, хусусан, Германия, Франция ва Форс кўрфази давлатлари тажрибалари шуни кўрсатадики, мамлакатдаги йирик компаниялар, корпорациялар ўз таркибларида ижтимоий йўналтирилган жамғармаларни ташкил этишлари нафақат ишчи ходимларнинг балки аҳоли таркибидаги ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг ижтимоий турмуш даражасини ошириш хизмат қилади. Худди шундай жамғармаларни малакатимиздаги йирик (Ўзбекистон ҳаво йўллари, Ўзбекистон темир йўллари, ўзбекэнерго, ўзнефтегаз ва бошқалар) корхоналарда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ.

3. Пенсия тизимида ёшга доир ислоҳотларни амалга оширишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолатда, мамлакатдаги демографик ўзгаришлар, ишсизлик даражаси, яратилаётган иш ўринлари ўртасидаги номувофиқликларни ҳисобга олиш лозим. Пенсия ёшини кўтариш ва қариялар меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ишсизлик даражаси паст бўлганидагина маънога эга бўлади, жамғарив бориш тамойилларини жорий этиш эса фақат пенсия жамғармалари оқилона инвестиция қилингандагина фойда келтириши мумкин. Фикримизча, ёшга доир ислоҳотларни амалга оширишда пенсия тайинлаш учун зарур бўлган меҳнат стажини босқичма-босқич оширишга эътибор қилиш мақсадга мувофиқ.

4. Пенсия жамғармаси бу ижтимоий жамғарма эканлигини ҳисобга олиб, ҳар йили бюджет томонидан бериладиган бюджет трансферларини ўрнини қоплаш мақсадида давлатга қарашли бўлган маълум бир акциядорлик жамиятларнинг акцияларини бир қисмини жамғармага ўтказиб бериш ва бу орқали бюджет трансферларидан воз кечиш амалиётини амалга ошириш керак.

5. Хориж тажрибаси асосида нодавлат пенсия тизимини амалиётга жорий қилишда аввало, ривожланган давлатлар тажрибаларидан келиб чиқиб, унинг қонуний-ҳукуқий асосларини шакллантириш керак, ушбу тизимни назорат қилувчи маҳсус давлат ташкилотини белгилаш, унинг бошқарув функцияларини аниқлаш, тизим самарали хизмат кўрсатиши учун бошқарув компанияларини ташкил этиш керак. Иш берувчилар томонидан касбий пенсия дастурларини ташкил этишни солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

6. Нодавлат пенсия жамғармаларини амалиётга жорий қилишда унга етарли даражада кулайликлар яратиш лозим. Яъни, жамғармалар томонидан амалга ошириладиган инвестицияларни риск даражаси пастроқ бўлган қимматли қоғозларга йўналтириш ва инвестицион портфелда улар улушкини аниқ белгилаш ва фонд биржалари, сугурта компаниялар, инвестиция тармоқларини кенгайтириш керак.

7. Нодавлат пенсия жамғармаларини ташкил этишда, пенсия тизими бошқаруви, ҳисоб-китоб операциялари, бадаллар шаклланиши ва тўловларни амалга оширишда давлатнинг маълум миқдорда назоратини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

8. Фуқароларнинг пенсия жамғармасидаги иштирокларини акс эттириш тизимини қайта тиклаш, шунингдек, пенсия ёшига етганда ижтимоий сугурта бадали тўлаган ҳар бир йили учун пенсияларни ҳисоблашда балли тизим асосида устама ҳақ тўлашни жорий этиш механизмини амалиётга қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

## РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ПЕНСИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мўминов Ихтиёр Намозович

Акбаров Бекмурод

Хамидов Достон Хамид ўғли

*Сирдарё вилоят Инвестициялар саноат ва савдо бошқармаси*

Пенсия тизимини ислоҳ этиш зуурияти аҳолининг кексайиб бориши жараёнининг жадаллашуви билан бевосита боғлиқдир. Ҳалқаро статистик ҳисоб-китобларга кўра жаҳонда 2050 йилга бориб пенсионерлар сони ўсмирлар сонига нисбатан ошиб кетиши кутилмоқда. Ушбу ҳолат “Авлодлар бирдамлиги” тизимининг самарасизлиги ва ва пенсия тизимларини молиялаштиришнинг янги тамойилларини жорий этиш зарурлигини келтириб чиқаради. Бундан ташқари самарали пенсия ислоҳотлари ривожланаётган мамлакатлардаги макроиктисодий ҳолатни тубдан яхшилаш имконини яратиши мумкин.

Пенсия ислоҳотлари асосида қайта тақсимланидиган пенсия тизимидан жамғариладиган пенсия тизимиға ўтилади. Қайта тақсимот жараёнларининг бекор қилиниши аҳоли кексайиш босқичларининг пенсия тизими молиявий барқарорлигига салбий таъсирини юмшатишга олиб келади. Пенсия чиқувчилар томонидан жамғарилган капиталга эҳтиёжнинг йўклиги сабабли уларни жамғариш, инвестициялашга йўналтириш имконияти пайдо бўлади. Бу эса макроиктисодий ҳолатнинг яхшиланиши, иқтисодий ўсишга олиб келади. Пенсия тизимининг ривожланишида ижтимоий ҳимоя тамойилларидан ижтимоий суғурта тамойилларига ўтиш рўй беради.

Дунё амалиётида миллий пенсия тизимларини ислоҳ этишининг қўйдаги моделлари фарқланади<sup>25</sup>:

- **Лотин америка модели** – ишчи, ходимлар пенсия жамғармаларини жамғариш учун индивидуал тартибда бошқарув компаниясини танлашади (индивидуал ҳисоб рақамлар);
- **ИХТТ (иқтисодий ҳамкорлик ва тарракқиёт ташкилоти) модели** – пенсия жамғармаларини инвестиция мақсадларида бошқаришни амалга оширувчи компаниялар иш берувчи ёки касаба уюшмаларининг ишончли вакиллари томонидан танланади (касбий схема);
- **Швед модели** – пенсия тизимининг биринчи тақсимотга асосланган даражаси шартли жамғариладиган компонент билан тўлдирилади (шартли жамғариладиган ҳисоб-рақамлар).

<sup>25</sup> Новиков А.А. Особенности эволюции зарубежных пенсионных систем // Мировая экономика и международные отношения. 2016. №5. С. 67.

Ушбу ҳолат пенсия ислоҳатларини ҳар қандай мамлакатда амалга оширилиши мумкинлиги, аммо мамлакатлардаги мавжуд сиёсий ва иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ислоҳатлар турли шаклларда амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Аргентинадиги мавжуд шарт-шароитлар давлат пенсия тизимини танлаш имконини берган бўлса, Перуда эса давлат пенсия тизими мавжуд эмас. Чили ва Австралиядаги шарт-шароитлар эса Мексика ва Аргентинага нисбатан кўпроқ хусусий пенсия тизимини ривожлантириш имконини берилганини кузатиш мумкин. Буюк Британия ва Швейцарияда пенсия тизимининг асосини анъанавий касбий пенсия тизими ташкил этса, Австралия ва Данияда касаба уюшмалари томонидан тузиладиган пенсия мажбуриятлари устуворлик қиласи.

Дунё мамалакатларида амалга оширилаётган пенсия ислоҳотлари икки гурухга ажратиши мумкин:

- пенсия тизимиға жузъий ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ “косметик” ислоҳатлар;
- пенсия тизимини тубдан ислоҳ этиш билан боғлиқ “чукӯр” ислоҳатлар.

“Косметик” ислоҳатларга амалдаги давлат пенсия тизимга жузъий ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ чора-тадбирлар киради. Ушбу ислоҳатларнинг мақсади пенсия тизимидағи молиявий муаммоларни бартарф этиш ҳисобланади. Унда пенсия олиш ҳукуқи, бадаллар таркиби, тўловлар таркиби ва уларни тақдим этиш тартибига ўзгартиришлар киритиш каби тадбирларни қамраб олади.

1-жадвал

#### **Пенсия тизимларини ислоҳ этишини баҳолаш кўрсаткичлари<sup>26</sup>**

Тури	Ислоҳатлар йўналиши	Ўзгартирилаётган кўрсаткичлар
“Косметик” ислоҳатлар	Пенсия олиш ҳукукини берувчи мезонлар	Пенсия ёши
		Мехнат стажи
	Бадаллар таркиби	Қамров даражаси
		Бадаллар ставкаси
		Бадал ундириш баъзаси
		Манбаси
		Бадалларни солиқقا тортиш
	Тўловлар таркиби	Пенсияни ҳисоблаш формуласи
		Пенсияни ҳисоблаш баъзаси
		Пенсияларни индексациялаш
		Минимал пенсия
		Тўлов шакли
		Тўловларни солиқقا тортиш
	Маъмурият	Бошқарув органи
		Инвестиция сиёсати
“Чукӯр” ислоҳатлар	Тақсимот тизимидан ўрнатилган бадаллар схемасига ўтиш	Давлат/хусусий сектор
		Минимал пенсия
		Бошқа кафолатлар
		Янги тизимга ўтиш

<sup>26</sup> <http://www.ipe.com>,<http://www.pensiondevelopment.org>

		Үтиш механизми
	Оддий тақсимот тизимидан шартли-жамғариладиган тизимга ўтиш	Минимал пенсия Бошқа кафолатлар Янги тизимга ўтиш Ўтиш механизми
	“Провидент” фондидан тақсимот тизимиға ўтиш	Бадаллар ставкаси Пенсияларни ҳисоблаш формуласи Пенсияни ҳисоблаш формуласи Пенсияни ҳисоблаш баъзаси Пенсияларни индексациялаш Ўтиш механизми
	Янги тизим	Қамров даражаси Бадаллар ставкаси Бадал ундириш баъзаси Пенсияларни ҳисоблаш формуласи Пенсияни ҳисоблаш формуласи Пенсияни ҳисоблаш баъзаси Пенсияларни индексациялаш Ўтиш механизми

“Чуқур” пенсия ислоҳатлари дейилганда, амалдаги пенсия тизимини тубдан ўзгаришишларга олиб келувчи ислоҳатлар, яъни: ўрнатилган тўловлар схемаси ўрнига ўрнатилган бадаллар схемаси ёки тақсимотга асосланган пенсия тизими ислоҳатлари тушунилади.

Пенсия ислоҳатлари дунёнинг аксарият мамлакатларида амалга оширилаётганлигига қарамасдан уларнинг тахминан 25%да “чукур” пенсия ислоҳатлари ўтказилмоқда. Уларнинг 1/3 қисмида жамғариладиган пенсия тизимидан тақсимотга асосланган пенсия тизимиға ўтиш ёки янги тақсимотга асосланган пенсия схемаларини жорий этиш амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган ислоҳатларнинг заминида пенсионерларнинг муносаб турмуш тарзини таъминловчи пенсия ва нафақалар етказиб беришдан иборатdir.